

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 04/30.12.2019. Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАЛИЛОВА АЛИЕ ЭМИРАСАНОВНА**

**БОЛАЛАРДА СИМПТОМАТИК ЭПИЛЕПСИЯНИНГ КЛИНИК-  
НЕЙРОИММУНОЛОГИК ВА БИОХИМИК ХУСУСИЯТЛАРИ, ВА  
ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Халилова Алие Эмирасановна**

Болаларда симптоматик эпилепсиянинг клиник-нейроиммунологик ва биохимик хусусиятлари, ва даволаш самарадорлигини ошириш масалалари..... 3

**Халилова Алие Эмирасановна**

Клинико-нейроиммунологические и биохимические особенности симптоматической эпилепсии у детей, и вопросы оптимизации терапии..... 27

**Khalilova Alie Emirasanovna**

Clinical-immunological and biochemical features of symptomatic epilepsy in children, and issues of optimization of therapy ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ ..... 57  
List of published works .....

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 04/30.12.2019. Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАЛИЛОВА АЛИЕ ЭМИРАСАНОВНА**

**БОЛАЛАРДА СИМПТОМАТИК ЭПИЛЕПСИЯНИНГ КЛИНИК-  
НЕЙРОИММУНОЛОГИК ВА БИОХИМИК ХУСУСИЯТЛАРИ, ВА  
ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2017.2.DSc/Tib159 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) ҳамда “ZiyoNet” таълим-ахборот порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Маджидова Якутхон Набиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Чутко Леонид Семенович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Шамансуров Шаанвар Шамуратович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Киличев Ибодулла Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Х.А.Яссавий номли қозоқ-турк халқаро университети (Қозоғистон)**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019. Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг « » \_\_\_\_\_ 2020й. соат \_\_\_\_ да мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (99871) 268-17-44, e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz)).

Докторлик диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100007, Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.А.Акилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.Г.Гафуров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Тутқаноқ – кенг тарқалган, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бош мия касаллиги бўлиб, эпилептик ҳуружлар турли ёшда – гўдаклик давридан то кексалик давригача кузатилиши мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумоти бўйича, «дунё миқёсида 50 миллионга яқин одам тутқаноқ билан касалланган, бу глобал миқёсда энг кўп учрайдиган неврологик касалликлардан бири бўлиб, йилига ҳар 100000 кишига 16-51 янги ҳолат тўғри келад<sup>1</sup>. Дунё бўйлаб эпилептологияда сезиларли ютуқларга, тутқаноққа қарши дориларнинг фармацевтик хусусияти хилма-хиллигига қарамай, тутқаноқ билан касалланган беморнинг 20-35%да медикаментоз коррекцияга берилмайдиган эпилептик тутқаноқлар кузатилади; хусусан нейрофармакологияни, жадал ривожланиши, янги юқори самарали АЭПни ишлаб чиқарилиши, шунингдек, эпилепсияни даволаш тамойилларини тубдан қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда тутқаноқ билан касалланган беморлар диагностикаси, уларни эрта аниқлаш ва даволаш тактикасига ёндашувнинг юқори самарадорлигига эришишга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада тутқаноқ тарқалишининг кўпайиш сабабларини асослаб беришга қаратилган чора-тадбирлар, тутқаноқнинг турли шакллари бўлган беморларни комплекс клиник-нейрофизиологик текшириш ва касаллик фармакорезистент кечувчи беморларни аниқлаш; тадқиқотларнинг янги усулларига асосланган ҳолда унинг прогностик биомаркерларини асослаш; даволашнинг фармакорезистентлигини аниқлаш; эпилепсиянинг замонавий даволаш чоралари нафақат эпилептик ҳуружлар ва коморбид ҳолатларни назорат қилиш, балки беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва дестигматизация қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Болаларда симптоматик эпилепсиянинг клиник-нейроиммунологик ва биохимик хусусиятларини аниқлаш ва тутқаноқ фармакотерапияси самарадорлигини ошириб беришга қаратилган даволаш тизимини яратиш кабилар ўзига хос аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга қаратилган кенг қамровли тадбирлар билан бир қаторда тутқаноқни даволаш самарадорлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ўз ечимини кутаётган бирламчи вазифалар бўлиб, бугунги кунда тутқаноқ ва унинг

<sup>1</sup>WHO Epilepsy Fact sheet. Updated February 2017. URL: <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs999/en/>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

фармакорезистент кечишини прогностик биомаркерларини ўрганиш хисобланади. Тутқаноқнинг оғир шаклларини эрта диагностикаси ва терапиянинг персонификацияси, замонавий технологияларни кенг қўллаш орқали юқори малакали, сифатли тиббий хизматни кўрсатиш ҳаёт сифатини, ижтимоий ҳаётга бўлган реабилитацияни ортиш имкониятини беради, ногиронликни камайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Эпилепсия билан касалланиш, унинг тарқалганлиги, этиологияси ва патогенези, клиник-диагностик ва иммун-биокимёвий хусусиятлари, касалликнинг генетик ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари, ҳамда анъанавий фармакологик ва фармакологик бўлмаган муқобил даволаш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of South Florida (АҚШ); University of Birmingham (Англия); University of Leeds (Буюк Британия); University Brno (Чехия), University Medical Center Utrecht (Голландия); University Georg Thieme Verlag KG Stuttgart, University of Saskatchewan (Канада); University Beijing (Хитой); Okayama University

---

<sup>1</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.uwa.edu.au](http://www.uwa.edu.au), [www.en.sjtu.edu.cn](http://www.en.sjtu.edu.cn), [www.utoronto.ca](http://www.utoronto.ca), [www.case.edu](http://www.case.edu), [www.en.uni.lu](http://www.en.uni.lu), [www.iso.nbu.edu.cn](http://www.iso.nbu.edu.cn), [www.iums.ac.ir](http://www.iums.ac.ir), [www.asu.edu](http://www.asu.edu) <https://www.aans.org/>; <https://www.nsi.ru/> <https://www.chop.edu/centers-programs/center-fetal-diagnosis-and-treatment>; <https://www.universitydirectory.eu/>; <https://www.gradschools.com/programs/neuroscience>; <http://www.unifesp.br>; <http://www.almazovcentre.ru>; <http://neuro.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Япония); Chongqing Medical University (Хитой); Umea University (Швеция); Radboud University Nijmegen (Голландия) Pediatric Neurology, University ospital of Geneva (Швейцария); Department of Neurosurgery, Third Military Medical University (Хитой); Institute for Quality and Efficiency in Health Care (Германия); Россия миллий тиббий тадқиқот университети (Россия Федерацияси), РТФА Неврология илмий маркази (Россия Федерацияси); Белоруссия давлат тиббиёт университети (Белоруссия), Тошкент педиатрия тиббиёт институти (Ўзбекистон), Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон), Она ва бола Республика скрининги (Ўзбекистон); Гематология ва қон қуйиш ИТИ (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Фармакорезистент тутқаноқ — бу кўп омилли жараён бўлиб, унинг маханизмлари етарли даражада ўрганилмаган бўлиб қолмоқда. (Georg Thieme Verlag KG, Stuttgart, Канада). Тутқаноқнинг турли шакллари бўлган беморларни комплекс клиник-нейрофизиологик текшириш ва касаллик фармакорезистент кечувчи беморларни аниқлаш, тадқиқотларнинг янги усулларига асосланган ҳолда унинг прогностик биомаркерларини аниқлаш, замонавий эпилептологиянинг устивор йўналишлари бўлиб ҳисобланади Third Military Medical University (Хитой); Pediatric Neurology, University Hospital of Geneva (Швейцария). Охириги йилларда резистентликни юзага келиш эҳтимоллигини оширувчи кўпгига омиллар орасида генетик омиллар муҳим роль эгаллаши аниқланган (Institute for Quality and Efficiency in Health Care, Германия; Department of Neurosurgery). Беморларнинг генетик вариациялари 50% ҳолларда дориларнинг самарасизлиги ёки дориларнинг ножўя реакцияларига таъсир кўрсатади (University of Birmingham (Англия); Okayama University (Япония)). Бугунги кунда фармокогенетика йўналиши тутқаноқли беморларни даволашда алоҳида ўрни исботланган (National Institute of Neurological Disorders and Stroke Bethesda (АҚШ); University of South Florida (АҚШ). Тутқаноқли беморларни даволаш бўйича ўтказилган қатор илмий тадқиқотлар натижасида тутқаноқли беморларда доимий мониторинг зарурати исботланган (University of South Florida, АҚШ); бош миёна функцияларини башоратлаш тамойилларини баҳолаган ҳолда тутқаноқ маркерларининг информативлиги (Radboud University Nijmegen, Голландия); тутқаноқ патогенезида генетик омил аниқланди (University of Leeds, Буюк Британия); бош миёна эпилептик зарарланишининг патогенетик гетероген концепцияси ишлаб чиқилган (РТФА акад. Н.Н. Бурденко номидаги нейрохирургия ИТИ, Россия).

Бугунги кунда дунёда тутқаноқли беморларни эрта ташҳислаш ва даволаш самарадорлигини коррекциялаш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, эпилепсия билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатига нафақат хуружлар, балки олий пўстлоқ фаолиятидаги бузилишлар, ижтимоий ва психологик омиллар ҳам таъсир этиши аниқланган. Эпилепсиянинг замонавий даволаш чоралари нафақат эпилептик хуружлар ва коморбид ҳолатларни назорат қилиш, балки беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва дестигматизация қилишга қаратилган бўлиши керак. Сўнгги йилларда фармакология, хусусан нейрофармакологияни жадал ривожланиши,

янги юқори самарали АЭПни ишлаб чиқарилиши, шунингдек, эпилепсияни даволаш тамойилларини тубдан қайта кўриб чиқиш масалалари диққат марказида бўлиб қолмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Симптоматик эпилепсия, эпилептик синдромлар таркибида жуда кенг тарқалган патология бўлиб, кўпинча 3 ёшгача бўлган болаларда кузатилади, ўрта ёшдаги одамларда барқарор частотага эга бўлиб, кейинчалик 50 ёшдан ошган одамларда бу кўрсаткични ўсиш тенденцияси мавжудлиги аниқланган (W. A. Hauser, 2013).

Эпилепсиянинг ривожланишида конституционал ва экзоген таркибий қисмлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ирсий омилнинг модификацияси кўп ҳолларда экзоген таъсирлар остида, одатда бош миянинг органик зарарланиши натижасида, содир бўлса-да, уларни хавф омиллари деб ҳисоблаш керак бўлади, уларнинг юзага чиқиши эса ирсий омилга боғлиқлиги аниқланган (Карлов В.А., Рокотянская Е.М., 2013).

Одам организмида нейроэндокрин ва иммун тизимлар ягона интегратив функционал системани ташкил этади, у ташқи муҳит шароитига организм мослашувини таъминлаб берувчи “буфер”ни шакллантиради. Эпилепсияда бош миянинг эпилептик фаол соҳасида яллиғланувчи цитокинлар ишлаб чиқарилиши ортади, бу ўз навбатида глияда яллиғланиш реакцияси натижасида хемоконвульсантлар ишлаб чиқарилиши ёки нейронлар электр таъсирланишига сабаб бўлиши исботланган (De Simoni et al., 2000; Ravizza and Vezzani, 2006; Vezzani et al., 2002). Яллиғланиш реакцияси, цитокинлар ишлаб чиқарилишини ортиши ва нейродегенерация ўртасида яқин боғлиқликлар аниқланган. Кўплаб нейротоксик молекулаларни ажралиши билан кечадиган микроглиянинг фаоллашуви нейродегенератив ўзгаришларга сабаб бўлади, ва, аксинча, унинг ингибицияланиши нейродегенерациянинг олдини олади (Бондаренко В.М., 2011). Касалликни прогрессив кечувида иккиламчи эпилептик ўчоқлар шаклланиши ва бош миянинг умумий эпилептизацияси, эрта ташхислаш ва даволашни тақозо қилади (А.С. Петрухин, 2000). Айрим психоневрологик касалликлар, хусусан, эпилепсия касаллигини даволашда баъзи иммуномодулятор препаратларни самараси баҳоланган (Громов С.А., 2004; Крапивкин А.И., 2010; Antozzi S, 2004). Жахон эпилептологиясида АЭП маълум беморга препаратнинг фармакокинетикасини билган ҳолда тайинланади ва унинг миқдорини қон зардобидан назорат қилиб турилади. Бу усул эмпирик даволашдан фарқли равишда препарат ножўя таъсирини камайтириш, препарат дозасин индивидуал равишда танлаш имконини беради (Воронкова К.В., 2008).

Болаларда симптоматик эпилепсиянинг иммунологик жиҳатлари кенг кўламда ўрганилган, пробанд генлари полиморфизмига боғлиқ равишда фармакологик давонинг самарадорлиги аниқланган. Нейротрансмиттерлар ва нейропептидлар томонидан аутоиммун реакцияларнинг намоён бўлиш даражаси, Т-лимфоцитлар умумий миқдорининг пасайиши билан кечувчи хужайра иммунитетини ўзгаришлари (Л.В.Липатова, 2010), эпилепсия



патогенезида цитокинлар роли аниқланган (Vezzani A. et al., 2018, Л.В.Липатова, 2015).

Бундай вазиятда замонавий тутқаноққа қарши воситаларнинг етакчи прогностик биомаркерлари ва фармакогенетикаси асосида тутқаноқнинг фармакорезистентлигини ривожланишини патогенетик тамойиллари, менеджментининг персонификацияси ва терапиясини ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01980006703 - ракамли «Ўткир мия қон томирлари бахтсиз ҳодисаларида мия томирлари гемодинамикасининг хусусиятлари» доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда симптоматик эпилепсияда клиник-нейроиммунологик, биокимёвий ва нейрофизиологик ўзгаришлар хусусиятларини аниқлаш ҳамда ташҳислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

симптоматик эпилепсиянинг частотаси ва структурасини унинг этиологик омиллари, клиник хусусиятлари ва кечилишига боғлиқ ҳолда ретроспектив таҳлил ўтказиш;

симптоматик эпилепсиянинг клиник хусусиятларини унинг этиологик омиллари ва боланинг ривожланиш босқичларига боғлиқ ҳолда аниқлаш;

симптоматик эпилепсиянинг болаларда нейроиммунологик хусусиятларини цитокин профили – интерлейкин-1, -2, -6 ва ўсма некрози факторига боғлиқ ҳолда баҳолаш;

специфик бўлмаган яллиғланиш учун жавоб берувчи биокимёвий параметрларни (НСЕ) клиник-биокимёвий корреляция ўтказиш йўли билан аниқлаш;

симптоматик эпилепсияда беморларнинг нейропсихологик ва когнитив доира хусусиятларини кросс-корреляцион анализ ўтказиш йўли билан баҳолаш;

антиэпилептик препаратларни қўлланилиши давомийлиги ва уларни тўхтатиш мезонларини аниқлаш, касалликнинг этиопатогенетик аспектларидан келиб чиққан ҳолда ташҳислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг болалар неврологияси бўлимида даволанган 281 нафар Зойдан 18 ёшгача симптоматик эпилепсия билан касалланган беморлар. 133 нафар 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган беморлар ретроспектив маълумотлари ва 20 нафар киши назорат гуруҳини ташкил қилган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Тутқаноқнинг турли шакллари билан касалланган болаларнинг венос қони ва қон зардоби намуналари, клиник, нейрофизиологик, нейровизуал тадқиқотларнинг натижалари ташкил қилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни бажаришда клиник-неврологик,

нейрофизиологик, нейровизуал, иммунологик текшириш усуллари ва натижаларга статистик ишлов берувчи аналитик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

симптоматик эпилепсиянинг частотаси ва структурасини унинг этиологик омиллари, клиник хусусиятлари ва кечишига боғлиқлиги аниқланган;

илк бор болаларда симптоматик эпилепсиянинг нейроиммунологик хусусиятлари цитокин профилига (ИЛ-1 $\beta$ , ИЛ-2, ИЛ-6 ва ўсма некрози фактори) боғлиқ ҳолда баҳоланган;

симптоматик эпилепсия билан оғриган болаларда ИЛ-2 регулятив цитокин миқдорининг пасайиши барқарор эпилептогенез ва фармакорезистентликнинг шаклланишига таъсир қилувчи аутоиммун жараённинг ривожланишига таъсири аниқланган;

боланинг ривожланиш босқичларининг бузилиши ва микроструктурали эпилепсия билан оғриган болалар гуруҳидаги эпилептик ҳужайраларнинг частотаси, оғирлиги ва турлари билан когнитив ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

симптоматик эпилепсия билан оғриган болаларда специфик бўлмаган яллиғланиш учун жавоб берувчи биокимёвий параметр (НСЕ) даражаси билан эпилептик ҳужайраларнинг частотаси орасида бевосита корреляцион боғлиқлик исботланган;

болаларда симптоматик эпилепсия диагностикаси ва даволаш кетма-кетлиги оптималлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

- болаларда симптоматик эпилепсиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшувчи устунлик қилувчи хавф омиллари тўғрисидаги маълумот педиатрия хизмати шифокорлари томонидан хавф гуруҳидаги болаларни динамик кузатиш мақсадида ажратиб олиш имкон берган;

симптоматик эпилепсияли болаларни комплекс текширув натижалари асосида шартли равишда уларни макроструктуравий ва микроструктуравий эпилепсияга ажратиш ташхисот аниқлигини ошишига ва пациентларни даволаш самарасини ортишига хизмат қилган;

турли этиологияли симптоматик эпилепсия билан касалланган болалар қон зардобида иммун-биокимёвий кўрсаткичларни ўрганиш “эпилептик бош мия” патогенези ҳақида маълумотларни тўлдиради, бу эса ўз навбатида симптоматик эпилепсия ривожланишида роль ўйновчи муайян патологик иммуногенез босқичларига таъсир қилувчи даволаш ва реабилитациянинг энг самарали дастурини ишлаб чиқишга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотнинг услубияти ва дизайни амалий соғлиқни сақлаш даражасида бажарилганлиги; тадқиқотнинг ўзи мазкур иш учун қўйилган мақсад, вазифалар ва предметларга мос ҳолда бажарилганлиги, замонавий апробацияланган, коррект тиббий-статистик усуллардан фойдаланганлиги; ишлаб чиқилган алгоритмни фармакорезистент тутқаноқ билан оғриган беморларда диагностик ва терапевтик ёндошувларни такомиллаштириш амалиётига самарали жорий

этилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, қон зардобида яллиғланувчи (ИЛ-1β, ИЛ-2, ИЛ-6, ФНО-α) цитокинлар спонтан ва митоген индуцирланган миқдорини ўрганиш йўли билан симптоматик эпилепсиянинг аутоиммун табиати ҳақида, ва бош миёда давомли оксидловчи стресс ҳамда иммунодефицит жараёни мавжудлиги тўғрисида гипотеза шакллантирилди, бу жараёнлар ўз навбатида бош миёда эпилептик фаолликнинг кучайишига сабаб бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ташҳислаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш, пароксизмал ҳолатларни ташҳислаш ва қиёсий ташҳислаш, ҳамда АЭПнинг тури ва дозасини эпилептик хуружнинг турига боғлиқ равишда танлаш, динамикада даволаш самарасини баҳолаш ҳамда диагностика ва даволаш учун тавсия этилган алгоритм таҳлил давомийлигини қисқартиради ва терапияни барвақт тайинлаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Симптоматик эпилепсияни ташҳислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Пароксизмал ҳолатларни аниқлашнинг даво-диагностик алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июлдаги 8н-д/181-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома Пароксизмал ҳолатларни олиб бориш ва даволаш тактикасини оптималлаштириш, тутқаноқ хуружлар частотасини ва асоратларини камайтириш, ремиссия даврини узайтириш имконини берган;

«Болаларда симптоматик эпилепсияни давосини оптималлаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июлдаги 8н-д/181-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома Пароксизмал ҳолатларни олиб бориш ва даволаш тактикасини оптималлаштириш, тутқаноқ хуружлар частотасини ва асоратларини камайтириш, ремиссия даврини узайтириш имконини берган;

симптоматик эпилепсияни ташҳислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Бухоро, Наманган ва Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалиётига, ҳамда МЧЖ «Medlook medical center» даволаш-диагностика муассасаси амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 25 ноябрдаги 8н-з/160-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий этилиши тутқаноқ ташҳисини аниқлаштириш ва тезлаштиришга, дифференцияланган ёндашув ҳисобига ўтказиладиган терапия самарадорлигини оширишга, дифференциал ва персонализацияланган терапияни такомиллаштиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий- амалий анжуманларда, жумладан 3та халқаро ва 2та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10та мақола, жумладан, 5таси республика ва 5таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда симптоматик эпилепсиянинг долзарб муаммолари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, симптоматик эпилепсиянинг эпидемиологияси, эпилептик ўчоқ шаклланишида айрим патогенетик механизмлар ва бу касалликка сабаб бўлувчи хавф омиллари, бу касалликда кузатилувчи иммунологик ва биокимёвий ўзгаришлар, мазкур муаммонинг хал этилмаган ва аниқлаштиришни талаб этувчи аспекти ёритилган.

Диссертациянинг «**Беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган услублар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари баёни келтирилган.

Тадқиқот 133 нафар 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган, ТошПМИ клиникасининг болалар неврологияси бўлимида 2010-2014йилларда даволанган болаларни ретроспектив кузатув, ҳамда 281 нафар 3 ойликдан 18 ёшгача бўлган ТошПМИ клиникасининг болалар неврологияси бўлимида даволанган болаларни проспектив текширув натижаларига асосланган. Текширув когортасига эпилепсиянинг криптоген ва идиопатик шакллари, рефлектор эпилепсия кўшилмаган, бундан “фебрил тутқаноқ плюс” мустасно. Назорат гуруҳни шу ёшдаги 20та соғлом болалар ташкил этган.

Ретроспектив гуруҳдаги болаларнинг ўртача ёши  $8,06 \pm 0,3$  ёш (медиана – 7 ёш; 1Q-5ёш; 3Q-11 ёш), бу гуруҳдаги болаларнинг ичида ўғил болалар (58,6%) қизларга (41,4%) нисбатан кўпчиликни ташкил этган.

Проспектив гуруҳдаги болаларнинг ўртача ёши  $5,2 \pm 0,23$  ёш (медиана – 4,2ёш; 1Q-2,15ёш; 3Q-7,08 ёш), бу гуруҳда ҳам ўғил болалар (61,6%) қизларга (38,4%) нисбатан кўпчилиқни ташкил этган.

Эпилепсияга сабаб бўлувчи патологик ҳолатлар турли механизмларга эга бўлиб, бош миянинг структуравий тузилишини бузилиши билан ёки кўпол макроструктуравий ўзгаришларсиз ҳам кечиши мумкин (В.О.Генералов, 2010).

Беморлар бош мия МРТсида “кўзга кўринарли зарарланиш ўчоқлари” мавжудлигига қараб 2 гуруҳга бўлинган: А гуруҳ – 66 нафар микроструктуравий эпилепсияли болалар, ўрта ёши  $6,4 \pm 0,52$  йилни ташкил этган, тутқаноқ ҳуружларининг давомийлиги кўрув вақтида  $40,3 \pm 4,65$  ойни ташкил этган. Бу гуруҳга асаб тизимининг енгил ва ўрта даражали гипоксико-ишемик ва метаболик этиологияли перинатал зарарланишлари, бош мия чайқалиши асоратлари бўлган болалар киритилган.

В гуруҳ – 215 нафар макроструктуравий эпилепсияли болалар, уларнинг ўрта ёши  $4,8 \pm 0,24$  йилни ташкил, тутқаноқ ҳуружларининг давомийлиги кўрув вақтида  $39,0 \pm 2,6$  ойни ташкил этган. Бу гуруҳни нейроинфекция (бирламчи ва иккиламчи энцефалитлар, арахноидитлар, бош миянинг ҳомила ичи инфекцияси натижасида зарарланиш) асорати бўлган, бош мия туғма нуқсонлари бўлган, геморрагик ва ишемик инсульт ўтказган, бош миянинг оғир даражали перинатал зарарланишлари (церебрал ва цереброспинал туғруқ травмалари, оғир церебрал ишемия) ўтказган болалар ташкил этган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалридан келиб чиққан ҳолда макроструктуравий эпилепсияли болалар 3 гуруҳга ажратилган.

**В1 гуруҳдаги** болаларни 79 нафар нейроинфекция асорталари бўлган болалар ташкил этган, уларнинг ўрта ёши  $3,7 \pm 0,34$  йилни (Ме - 3йил; 1Q - 1,3 йил, 3Q – 5 йил), тутқаноқ ҳуружларининг давомийлиги эса кўрув вақтида  $27,8 \pm 3,47$  ойни ташкил этган (Ме-18; 1Q-5,5; 3Q-36 ой).

**В2 гуруҳни** 83 нафар перинатал даври номақбул кечган (церебрал, цереброспинал натал травмалар, оғир церебрал ишемия, бош мия ривожланиш аномалияси бўлган) болалар, уларнинг ўрта ёши  $5,2 \pm 0,41$  (Ме-4,4; 1Q-2,64; 3Q-6,2) йил, тутқаноқ ҳуружининг давомийлиги  $47,7 \pm 4,89$  (Ме-34; 1Q -14; 3Q-62,5) ойни ташкил этган.

**В3 гуруҳни** 53 нафар бош мияда қон айланишини ўткир бузилишлари асоратлари бўлган болалар ташкил этган, уларнинг ўрта ёши  $5,8 \pm 0,5$  йилни (Ме-5,5; 1Q-2,82; 3Q-8,73) ташкил этган, уларнинг 32 нафари бош мия инфаркти ва 21 нафари геморрагик инсульт асорати билан. Тутқаноқ ҳуружининг давомийлиги ўрта ҳисобда  $42,03 \pm 6,43$  ойни ташкил этган.

Проспектив гуруҳ болаларини текшириш протоколи ўз ичига: клиник-неврологик текширувни, эпилептик ҳуружларнинг оғирлик даражаси 3 ёшдан катта болаларда NHS3 шкаласи (National Hospital seizures severity scale) ва 3 ёшдан кичик болаларда E-chess (Early Childhood Epilepsy Severity Scale) шкаласи ёрдамида баҳоланди. 6 ёшдан катта болаларнинг когнитив фаолияти Векслер шкаласи, 6 ёшдан кичик болаларнинг психомотор

ривожланиши Денвер скрининг тести (DDST) ёрдамида баҳоланди. Нейровизуализация (бош мия МРТси), оддий электроэнцефалография, видео-ЭЭГ-мониторлаш, қон зардобида нейронспецифик енолаза (НСЕ), ҳамда спонтан ва митоген индукцияланган цитокинлар (ИЛ-1 $\beta$ , ИЛ-2, ИЛ-6 и ФНО- $\alpha$ ) аниқланди.

Олинган маълумотлар Statistical Package for social Sciences-22 (SPSS, IBM, USA) дастури ёрдамида статистик таҳлил қилинган.

Диссертациянинг учинчи «**Болаларда симптоматик эпилепсиянинг клиник-неврологик ва нейровизуализацион характеристикаси**» бобида СЭ билан оғриган беморларни клиник-неврологик, нейровизуализацион ва нейрофизиологик текширув натижалари тақдим этилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ТошПМИ клиникасига 2010 йилдан 2018 йилгача турли тутқаноқ ҳолатлари билан мурожаат қилган пациентлар қисқача таҳлил қилинган. 1248 нафар тутқаноқ ҳуружлари билан мурожаат қилган беморларнинг 877 (70%) нафарига симптоматик эпилепсия ташҳиси қўйилган, 156 (13%) нафарида эпилепсиянинг идиопатик шакли аниқланган, 117 (9%) нафарида эпилепсиянинг этиологияси аниқланмаган, 98 (8%) пациентга ўткир симптоматик тутқаноқ ҳуружи ташҳиси қўйилган.

133 нафар беморнинг ретроспектив анализи симптоматик эпилепсиянинг сабаби кўп ҳолларда бош миянинг ўтказилган инфекцион касалликлари (47; 35,3%), марказий асаб тизимининг перинатал зарарланишлари (27; 20%), ўрта ва оғир даражадаги бош мия шикастланиши асорати (8;14%), бош мия туғма нуқсони (9;7%), бош мия ўсмаси (2; 1,5%), бош мия инсульти асорати (2; 1,5%), тубероз склероз (1; 0,75%) бўлган, 26 (20%) ҳолатларда эпилепсиянинг сабаби аниқланмай қолган. Беморнинг ёшига боғлиқ ҳолда эпилептик ҳуружларнинг турини таҳлил қилинганда, ҳамма ёшдаги гуруҳларда генерализациялашган тутқаноқ ҳуружлари устунлик қилиши аниқланган, 1-3 ёшгача бўлган 6 (31,6%) нафар болаларда инфантил спазмлар, 15-18 ёшли болаларда эса парциал эпилептик ҳуружлар бошқа ёшдаги болаларга нисбатан кўпроқ кузатилган ( $r=-0,273$ ,  $P<0,001$ ).

Эпилептик ўчоқнинг шаклланишида бир неча факторлар аҳамиятга эга, шу жумладан, макроорганизмнинг умумий ҳолати – фон касалликларнинг мавжудлиги, метаболик дисфункциялар, экзоген факторларнинг таъсири аҳамиятли, кўп ҳолларда болаларда кузатиладиган хавф омиллари касалликнинг этиологияси бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли болаларда хавф омилларини таҳлил қилдик.

Назорат гуруҳига нисбатан микроструктуравий эпилепсияли болаларда хавф омиллари ичида оналар анемияси ( $P<0.005$ ), токсикозлар ( $P<0.01$ ), туғруқ фаолиятининг чўзилувчан ёки тез кечиши ( $P<0.001$ ), вақтидан олдин туғруқ ( $P<0.002$ ) ва асфиксия ( $P<0.01$ ) ишонарли фарқ қилади.

Фактор таҳлили усулида симптоматик эпилепсия ривожланишида ишонарли аҳамият касб этувчи латент факторлар ажратиб олинди. Фактор структураси 6 гуруҳ латент факторларни ўз ичига олиб, дисперсиянинг 67,74%ини ташкил этди. Ажратилган фактор структураси жадвал ҳолига

келтирилиб, ўзгарувчилар блокларини маълум бир яширин омил билан бирлаштириш имконини беради ( $\chi^2=111,2$ ;  $P=0,007$ ) (жадвал 1).

Биринчи, энг аҳамиятли фактор, ўзгарувчининг 17,2% дисперсиясини тушунтиради. Бу факторга юқори юкланиш билан айна ҳомиладорликни кечишини характерловчи ўзгарувчилар кирган – токсикозлар, онадаги анемия ва ҳомила гипоксияси. 2-фактор постнатал даврнинг номақбул кечишини ўз ичига олди (чўзилувчан сариқлик ва енгил бош мия травмаси). Яъни симптоматик микроструктуравий эпилепсия юзага келишида оналарнинг ҳомиладорлик давридаги анемия касаллиги, ҳомиладорлик даври патологияси ва туғруқ фаолиятининг бузилиши роль ўйнайди.

**Жадвал 1.**

**Микроструктуравий эпилепсия гуруҳидаги болаларда симптоматик эпилепсияни юзага келтирувчи факторларнинг таркиби**

	Компонент					
	1	2	3	4	5	6
оналар анемияси	0,659					
токсикоз	0,870					
ҳомила гипоксияси	0,692					
чўзилувчан сариқлик		0,788				
анамнезда БМЖ		0,769				
оилавий анамнезда эпилепсия касаллиги			0,817			
ҳомиладорлик даврининг ўзгаришлари			0,719			
қариндошлик никоҳлари				0,844		
ҳомиладорлар нефропатияси				0,743		
анамнезда ҳомила ташлаш					0,722	
айни ҳомиладорлик тушиши хавфи					0,704	
туғруқ фаолиятининг патологияси						0,847
дисперсия %и	17,2%	13,1%	10,9%	10,4%	8,5%	7,8%

Генерализациялашган тоник талваса хуружлари ҳамма ёшдаги болаларда устунлик қилди, полиморф тутқаноқ хуружлари кўп ҳолларда генерализациялашган клонико-тоник ва миоклоник хуружларининг, атоник хуружларнинг комбинацияси билан характерланди ( $\chi^2=56,3$ ,  $P=0,017$ ). Микроструктуравий эпилепсияли болаларнинг бош мия МРТсида енгил энцефалопатия (13; 33,3%), пешона-чакка-тепа бўлаклари пўстлоғи енгил (10; 25,6%) ва ўрта даражали атрофияси (2; 5,1%), ликвор йўлларида туташган енгил дилатацияси (1; 2,6%) кузатилган. Клиник ва нейрофизиологик маълумотларни солиштириш қуйидагиларни кўрсатди: генерализациялашган тоник, тоник-клоник ва атоник тутқаноқ хуружларида ЭЭГда генерализациялашган эпилептик фаоллик (35; 53%), фокал эпилептик фаоллик билан биргаликда иккиламчи генерализациялашган фаоллик (10;

15,2%), миоклоник ҳуружларда генерализациялашган эпилептик фаоллик (4; 6,1%) билан биргаликда мультифокал эпилептик фаоллик (3; 4,5%) аниқланган. Полиморф тутқаноқ ҳуружлари учун генерализациялашган эпилептик фаоллик (1; 1,5%), иккиламчи генерализациялашган фокал эпилептик фаоллик (3; 4,5%), мультифокал эпилептик фаоллик (1; 1,5%) ва билатерал синхронизация феномени (1; 1,5%) аниқланди ( $\chi^2=187$ ,  $P=0,000$ ;  $r=0,5$ ;  $P=0,000$ ).

Макроструктуравий эпилепсияли гуруҳ таҳлил қилинганда нейроинфекция асорати бўлган 6-12 ойлик ва 1-3 ёш болаларда полиморф тутқаноқ ҳуружлари мос равишда 5 (45,5%) ва 14 (36,8%), катта ёшдаги болаларда эса генерализациялашган тоник талваса ҳуружлари устунлик қилган. Полиморф тутқаноқ ҳуружлари 2 ва ундан ортиқ тутқаноқ турлари билан намоён бўлган. Генерализациялашган тоник ҳуружлар + миоклониялар 8 (10,1%) беморда, парциал ҳуружлар + генерализациялашган клоник-тоник ҳуружлар 6 (7,6%) беморда, атоник + миоклоник + генерализациялашган тоник 4 (5,1%) ҳолатда, генерализациялашган миоклониялар + атипик абсанслар 4 (5,1%), генерализациялашган тоник-клоник + инфантил спазмлар 4 (5,1%) беморда кузатилган. Бош мия МРТсидаги ўзгаришлар қуйидагилардан иборат бўлган: энцефаломалаяция ўчоқлари ва арахноидал киста (1; 1,3%), турли локализацияли бош миянинг кистоз ўзгаришлари – субкортикал (2; 2,5%), перивентрикуляр ва ён қоринчаларнинг орқа шохлари соҳасида (4; 5,1%), гиппокампа (1; 1,3%); глиоз ва чандикланиш-атрофик ўзгаришлар носимметрик энцефаломалаяция ўчоқлари билан (3; 3,8%), базал ядроларда энцефаломалаяция ўчоқлари (4; 5,1%), субдурал гигрома (1; 1,3%) ва эпидурал гематома (1; 1,3%). Тутқаноқ ҳуружлари тури ва нейрофизиологик маълумотларни солиштирганда генерализациялашган тоник тутқаноқ ҳуружлари учун генерализациялашган эпилептик фаоллик (18; 22,8%) ва иккиламчи генерализациялашган фокал фаоллик (9; 11,4%), мультифокал фаоллик (3; 3,8%), билатерал синхронизация феномени (1; 1,3%) ва гипсаритмия (1; 1,5%) характерли бўлган. Полиморф тутқаноқ ҳуружлари учун мультифокал эпилептик фаоллик хос бўлган (16; 20,3%) ( $\chi^2=183$ ;  $df=48$ ;  $P=0,000$ ;  $r=0,43$ ;  $P=0,000$ ).

Марказий асаб тизимининг перинатал зарарланиши ва бош миянинг туғма аномалияси бўлган 83 нафар болаларда ҳам генерализациялашган тоник тутқаноқ ҳуружлари устунлик қилган (32; 38,6%), иккиламчи генерализациялашган парциал тутқаноқларда ҳуруж адверсив (4; 4,8%), оперкуляр (3; 3,6%) автоматизмлардан ва жексон маршидан (1; 1,2%) бошланган. ( $\chi^2=56,3$ ;  $P=0,045$ ). Полиморф тутқаноқ ҳуружлари кўпол редукцион аномалиялар учун хос бўлган. Бу гуруҳдаги болаларнинг бош мия МРТси суратида субарахноидал бўшлиқ ва ликвор йўллариининг викар кенгайиши, гипоксик-ишемик энцефалопатия (6; 7,2%) ва перивентрикуляр лейкомаляция (10; 12%) белгилари билан намоён бўлган, аслини олганда бу терминлар бир хил структуравий ўзгаришни турли хил номланишидир. Оғир ҳолларда перивентрикуляр соҳанинг глиози (2; 2,4%) ва кистоз дегенерациялар (4; 4,8%) кузатилган. Бош мия туғма аномалияларининг



нейровизуализацион сурати нозологияга мос бўлган. Бу гуруҳдаги болаларнинг электроэнцефалограммасида ҳам генерализациялашган эпилептик фооллик устунлик қилган (40; 48,2%), иккиламчи генерализациялашган фокал эпилептик фооллик (18; 21,7%), мультифокал эпилептик фооллик (10; 12%) аниқланган, 3-5 Гц частотали “чўққи-тўлқин” мажмуаси атипик абсанс кузатилган беморларда аниқланган.

Инсультдан кейин ривожланган эпилепсияли болалар гуруҳида ишемик инсульт асоратили болалар (32; 14,9%) геморрагик инсульт ўтказган болаларга (21; 9,8%) нисбатан устунлик қилган. Бош мия МРТсида кузатилган мия моддасининг кистоз дегенерацияси кўшни структураларнинг – бош мия пўстлоғи, мия ва мияча ярим шарлари атрофияси, ҳамда мия моддасининг глиози билан кечган. Нейрофизиологик текширув натижалари бу гуруҳдаги болаларда бошқа гуруҳга нисбатан иккиламчи генерализациялашган фокал (17; 32,1%) ва мультифокал (7; 17,2%) эпилептик фооллик устунлик қилганини кўрсатди. Мультифокал эпилептик фооллик генерализациялашган тоник ва тонико-клоник (3; 5,7%), миоклоник (3; 5,7%) ва иккиламчи генерализациялашган мураккаб парциал хуружларга характерли эканлиги аниқланди ( $\chi^2=133,6$ ;  $P=0,000$ ;  $r=0,27$ ;  $P=0,043$ ).

Диссертациянинг тўртинчи «**Симптоматик эпилепсияли пациентларда нейрпсихологик ривожланиш ва когнитив фаолиятни баҳолаш**» бобида Денвер ривожланиш скрининг тести (DDST) ва Векслер тести натижалари гуруҳларда таҳлил қилинган, уларни тутқаноқ тури ва унинг оғирлик даражаси, касалликнинг давомийлиги, нейрофизиологик кўрсаткичлари ва қўлланилаётган антиэпилептик даво воситасига боғлиқлик томонлари ўрганилган.

Микроструктуравий эпилепсияли беморларда DDST ёрдамида 5 типдаги психомотор ривожланиш турлари аниқланган: меъёрий ривожланиш (6; 16,2%), ноуйғун илгарилашган ривожланиш (4; 10,8%), йирик ҳаракатлар ва ижтимоий кўникмалар меъёрий ривожланган ҳолда нутқ ва майда ҳаракатлар ривожланишининг орқада қолиши (4; 10,8%), йирик ҳаракатлардан ташқари ҳамма фаолиятни бир маромда ортда қолиши (2; 5,4%) ва умумий бир маромда ортда қолиш (21; 56,8%) ( $\chi^2=32,3$ ;  $df=4$ ;  $P=0,000$ ). Психомотор ривожланиш даражаси NHS3 ( $r=0,623$ ;  $p=0,001$ ) шкаласи бўйича баҳоланган тутқаноқ хуружининг оғирлик даражаси ва хуружлар частотаси ( $r=0,486$ ;  $p=0,002$ ) билан тўғри корреляцион боғ ҳосил қилган. Генерализациялашган тоник ва тоник-клоник тутқаноқ хуружи бўлган болаларда психомотор ривожланиш даражаси турлича бўлган – меъёрий ривожланиш 4 (17,4%) болада, умумий орқада қолиш, ноуйғун илгарилаш 3 (13,1%) беморда, умумий орқада қолиш 11 (47,8%) беморда кузатилган. Инфантил спазм ва полиморф тутқаноқ хуружлари бўлган беморларнинг ҳаммасида умумий орқада қолиш кузатилган. Меъёрий ривожланиш атоник хуружлари кузатилган беморларнинг 50%ида ва иккиламчи генерализациялашган парциал тутқаноқ хуружлари бўлган беморларнинг 33,3%ида кузатилган ( $\chi^2=41,8$ ;  $p=0,017$ ). Бу гуруҳда АЭПнинг психомотор ривожланишга таъсири статистик ишонарли бўлмаган.

Векслер шкаласи бўйича 6 ёшдан ошган беморларда интеллектуал коэффициентнинг кўрсаткичи  $74,4 \pm 2,45$  баллни ташкил этган, улардан 5 (17,2%) пациентда меъерий интеллектуал кўрсаткич, 6 (20,7%) пациентда меъернинг паст чегараси, 8 (27,6%) пациентда чегаравий кўрсаткичлар ва ақлий ривожланишдан орқада қолиш 10 (34,4%) пациентда аниқланган. Интеллектуал ривожланиш даражаси NHS3 шкаласи бўйича баҳоланган тутқаноқ хуружининг оғирлик даражаси ( $r=0,504$ ,  $p=0,005$ ;  $\chi^2=26,28$ ,  $df=12$ ,  $p=0,01$ ) ва тутқаноқ хуружлари частотаси ( $r=0,39$ ;  $p=0,036$ ) билан тўғри корреляция ҳосил қилган. IQ даражаси билан ишлатилаётган АЭП ва тутқаноқ хуружининг тури ўртасида ишонарли боғлиқлик топилмади.

Нейроинфекция асорати туфайли юзга келган симптоматик эпилепсияси бўлган болаларда DDST шкаласи бўйича қуйидаги психомотор ривожланиш типлари аниқланган: нутқ ва майда ҳаракатларнинг ортда қолиши 5 (7,5%) болаларда, ноуйғун ортда қолиш 9 (13,4%) пациентда, умумий уйғун ортда қолиш 48 (71,6%) пациентда ва 5 (7,5%) пациентда декортикация синдроми аниқланган ( $\chi^2=78,4$ ;  $df=3$ ;  $p=0,000$ ). Психомотор ривожланишдан ортда қолиш даражаси ва ECHES шкаласи бўйича баҳоланган тутқаноқ хуружининг оғирлик даражаси ( $r=0,308$ ,  $p=0,04$ ), ишлатилаётган АЭП ( $\chi^2=29,9$ ,  $p=0,038$ ;  $r=-0,3$ ,  $p=0,012$ ) ўртасида боғлиқлик аниқланган.


Векслер шкаласи бўйича интеллектуал коэффициент текширилганда чегаравий кўрсаткичлар 3 (25%) пациентда, дебиллик даражаси 4 (33,3%) пациентда, яққол бўлмаган имбециллик 2 (16,7%) пациентда ва идиотия 3 (25%) пациентда аниқланган. IQ ва тутқаноқ хуружлари тури, оғирлик даражаси, частотаси, давомийлиги ҳамда ишлатилаётган АЭП ўртасида боғлиқлик аниқланмади.

МАТПЗ оқибати бўлган болаларда нутқ ва майда ҳаракатлар бузилиши 12 (18,8%) болада, ноуйғун ортда қолиш 16 (25%) пациентда ва умумий уйғун ортда қолиш 36 (56,3%) пациентда кузатилган ( $\chi^2=16,6$ ;  $df=2$ ;  $p=0,000$ ).


Психомотор ривожланиш даражаси ва тутқаноқ хуружлари тури, оғирлик даражаси, частотаси, давомийлиги ҳамда ишлатилаётган АЭП ўртасида статистик боғлиқлик аниқланмади. Векслер шкаласи бўйича IQ  $39,4 \pm 6,9$  баллни ташкил этган. Уларнинг 3 (16,7%) тасида ўртача интеллект, 8 (44,4%) нафарида дебиллик, 2 (11,1%) нафарида яққол бўлмаган имбециллик, 3 (16,7%) нафарида яққол имбециллик аниқланган. Бу пациентларда интеллект даражаси ва тутқаноқ хуружлари тури, оғирлик даражаси, частотаси, давомийлиги ҳамда ишлатилаётган АЭП ўртасида статистик боғлиқлик аниқланмади. Когнитив ўзгаришлар ва психомотор ривожланиш орқада қолиш даражаси бош мия аномалияси тури ва унинг редукцион деформацияси даражасига боғлиқ бўлган.

Инсульт ўтказган пациентларда нутқ ва майда ҳаракатлар ортда қолиши 8 (26,7%) пациентда, ноуйғун ортда қолиш 13 (43,3%) ва уйғун ортда қолиш 8 (26,7%) пациентда, декортикацион синдром 1 (3,3%) пациентда аниқланган ( $\chi^2=9,7$ ;  $df=3$ ;  $p=0,021$ ). Психомотор ривожланишдан ортда қолиш даражаси ва эпилептик хуружлар типи ( $\chi^2=40$ ,  $p=0,002$ ), частотаси ( $r=0,36$ ,  $p=0,05$ ) ва NHS3 шкаласи бўйича оғирлик даражаси ( $r=0,5$ ,  $p=0,028$ ) ўртасида

боғлиқликлар аниқланди. Катта ёшдаги болаларда интеллектнинг чегаравий кўрстакичлари 1 (4,3%) пациентда, 9 (39,1%) пациентда дебиллик, 8 (34,8%) пациентда яққол бўлмаган имбециллик, 1 (4,3%) пациентда яққол имбециллик ва 4 (17,4%) пациента идиотия аниқланди ( $\chi^2=12,4$ ;  $df=4$ ;  $p=0,014$ ). Ишлатилаётган АЭП ва когнитив ўзгаришлар ўртасидаги коррелятив ( $r=0,45$ ,  $p=0,03$ ) боғлиқлик аниқланган.



Расм 1. Денвер шкаласи бўйича психомотор ривожланиш типлари (%).



Расм 2. Векслер шкаласи бўйича пациентларда интеллект даражаси (%).

Манн-Уитни критерийси макро- ва микроструктуравий эпилепсияли болаларнинг психомотор ривожланишидаги ишонarli фарқ борлигини исботлади ( $Z=1,9$ ;  $P=0,048$ ). Макро- ва микроструктуравий эпилепсия гуруҳларида Векслер шкаласи бўйича интеллектуал ривожланишнинг ишонarli фарқни кўрсатди ( $t=6,44$ ;  $P=0,000$ ), бу сўзсиз бош миянинг қўпол структуравий ўзгаришлари билан боғлиқдир.

Интеллект таркиби таҳлил қилинганда пациентларда назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан вербал ва невербал интеллектнинг сусайганлигини кўрсатди ( $p=0,000$ ), бу ҳамма руҳий вазифаларнинг сусайганлигидан далолат беради. Бемор болаларда “Сўз бойлиги” субтести бўйича кўрсаткичларнинг пасайиши луғат бойлигининг пастлиги ва нутқнинг етарлича ривожланмаганлиги, 3 ёшгача тутқаноқ хуружлари бошланган болаларда аралаш а- ёки дислалия кўринишида, 3 ёшдан катта бўлганда кузатилган тутқаноқ хуружларида сенсомотор афазия кўринишида нутқ бузилишлари кузатилган. “Коос кубиклари” субтести бўйича кўрсаткичларнинг бирмунча яхши бўлган ҳолатларда интеллектуал потенциалнинг мавжудлиги ҳамда

ривожланиб боровчи миянинг аналитик-синтетик имкониятлари мавжудлигидан далолат беради.

Олинган маълумотлар кичик ёшда тутқаноқ хуружи бошланган болаларда когнитив фаолият бузилишлари диффуз характерга эга бўлиб, каттароқ ёшдаги болалардан фарқли ўлароқ яққол эпилептик ўчоқ синдроми кузатилмаслиги ҳақида далолат беради.

Тадқиқот ишининг “Симптоматик эпилепсиянинг иммуно-биохимик жиҳатлари” деб номланган бешинчи бобида беморлар қонида яллиғланиш цитокинлари ва нейронспецифик енолаза миқдорининг симптоматик эпилепсияда ўзгаришлари ўрганилган. Кўпчилик тадқиқотларда симптоматик эпилепсияда яллиғланиш цитокинларининг миқдори ўрганилган, аммо уларнинг потенциал продуктив фаолияти ўрганилмаган, бу ўз навбатида организмда иммунопатологик жараён кечишининг прогностик белгиси ҳисобланади.

Текширув гуруҳидаги 98 нафар болаларда ИЛ-1β, ФНО-α, ИЛ-2 ва ИЛ-6 миқдори ўрганилган (жадвал 2).

**Жадвал 2.**

**СЭ болаларда иммун тизими асосий цитокинларининг спонтан ва индуцирланган ишлаб чиқарилиши**

	Назорат n=8	Микрострук- туравий эпилепсия n=21	Макроструктуравий эпилепсия		
			В1 гуруҳ n=25	В2 гуруҳ n=27	В3 гуруҳ n=25
Спонт. ИЛ-2	17,22±0,85	<b>10,2±0,9*</b>	<b>11,5±0,86*</b>	<b>10,1±0,56*</b>	<b>10,6±0,9*</b>
Инд. ИЛ-2	24,4±2,65	<b>14,6±1,4***</b>	<b>15,25±1,44**</b>	<b>15,9±1,36***</b>	<b>15,18±1,68***</b>
Спонт. ИЛ-6	14,48±4,39	15,8±3,3	20,76±3,78	<b>29,6±4,4***</b>	16,9±3,15
Инд. ИЛ-6	195,25±0,58	<b>144,8±8,57*</b>	<b>146,7±7,15*</b>	<b>140,8±5,8*</b>	<b>161,6±6,1*</b>
Спонт. ИЛ-1β	20,17±9,25	5,56±0,9	8,59±1,77	4,8±0,47!!	4,2±0,2!!
Инд. ИЛ-1β	69,02±10,2	51,08±4,6!	<b>38,1±3,16***</b>	45,5±3,3	58,5±4,1!^
ФНО-α	25,8±5,6	21,8±4,2	25,1±3,85	28,6±4,5	22,3±3,7

Изоҳ: назоратга нибатан ишонарлилик даражаси \* - P≤0,001; \*\* - P≤0,005; \*\*\* - P≤0,05; 1-гуруҳга нисбатан ишонарлилик даражаси: !- P≤0,001; !!- P≤0,05; !!; 2-гуруҳга нисбатан ишонарлилик даражаси: ^- P≤0,05.

Текширув гуруҳларининг ҳаммасида спонтан ИЛ-1β миқдорининг назорат гуруҳига нисбатан ишонарли бўлмаган пасайиши аниқланган. Митоген индуцирланган ИЛ-1β миқдори ишонарли даражада пасайиши фақат нейроинфекция оқибатида ривожланган СЭ ривожланган болаларда аниқланган (P=0,019). Текширув гуруҳларининг барчасида спонтан ва индуцирланган ИЛ-2 миқдорининг назорат гуруҳига нисбатан ишонарли пасайиши аниқланди.

ЎНО (ФНО)-α кўрсаткичларининг пасайиши назорат гуруҳига нисбатан ишонарли бўлмаган.

